Ахмад Фарғоний номидаги вилоят Ахборот-Кутубхона Маркази бўлимлари фаолияти

Аслонов Ш.Ф., Саломов Н.И.

Бўлим фаолиятининг асосий йўналишлари: Таҳлилий фаолият (рақамли ва ёзма ҳисоботлар таҳлили), илғор иш тажрибаларини аниқлаш ва тадбиқ этиш, кутубхона ходимлари малакасини ошириш тизимида иштирок этиш, услубий қўлланмалар самарадорлигини ошириш, Вилоят АРМларига услубий, амалий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш.

Хизматлар: Ахборот-кутубхона ишининг барча масалалари бўйича маслаҳат ва тавсиялар бериш, турли ташкилотлар кутубхоналари талабномалари асосида жойларда ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тадбирларини ўтказиш.

Бўлим вилоятда фаолият юритаётган таълим муассасаларининг 247 та ахборот-ресурс марказларига (АРМлар), шунингдек, бошқа идора ва ташкилотларга қарашли кутубхоналарга уларнинг сўрови бўйича методик рахбарлик ва ёрдамни ташкил этади. Ходимларимиз шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимига кирмайдиган кутубхоналар билан хам ҳамкорлик киладилар. Жумладан, Фарғона

горнизони таркибий бўлинмалари кутубхоналарига, касаба уюшмаси тизимидаги кутубхоналарга ахборот ва методик ёрдам кўрсатадилар.

Кутубхона ходимларининг кутубхоначилик фаолиятидаги малакаларини ошириш, иш фаолиятларида қўллаш, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан хабардор бўлиш, уларни тушуниб олишга ёрдам бериш мақсадида кутубхоначилик ишининг замонавий усуллари ва кутубхона фаолиятида ахборот технологияларини қўллаш бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқади.

Китобхонларга ахборот – кутубхона хизматини яхшилаш, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, буюк тарихий шахслар ҳаёти ва ижодини, меросини чуқур ўрганиш, тарғиб килиш мақсадида ўтказиладиган оммавий тадбирларида фойдаланиш учун муҳим саналар календари асосида методик қўлланмалар ишлаб чиқади.

Ахборот-ресурс марказлари ва бошқа идора ва ташкилотларга қарашли кутубхоналар ходимлари АКМ нинг услубиёт бўлими ташкил этадиган семинар-тренингларда ўз малакаларини ошириш, кутубхона соҳасидаги инновацион жараёнлар билан танишиш имконига эгадирлар.

Каталог ва картотекалар зали сектор Ахборот-библиография бўлимининг таркибий бўғини ҳисобланади.

Каталог ва картотекалар зали адабиётларни сифатли ва тўлиқ қайта ишланишини, каталоглар тизими орқали кутубхона фондини очиб беришни

таъминлайди. Кутубхонанинг асосий каталогларини ташкил этади, юритади ва таҳрир қилади. Кутубхона бўйлаб саёҳат одатда бизнинг бўлимдан бошланади. Айнан бу бўлим фойдаланувчиларни кутубхонанинг у ёки бу бўлимига йўллайди, керакли адабиётни, матбуот нашрларини, мақолаларни қидириб топишда ёрдам беради. Каталог ва картотекалар зали кутубхона фондининг мазмуни ва таркибини очиб берувчи маълумотнома-библиографик аппаратга (МБА) эга. МБА таркибига анъанавий каталог ва картотекалар: Алфавит каталоги – кутубхона фондларини тўлиқ очиб берувчи кутубхона каталоги. Алфавит тарзида ташкил этилган. Карточкалар мазмунидан қатъий назар, муаллифлар фамилияси ёки китобнинг сарлавҳаси бўйича алфавит тартибида жойлаштирилган. Системали каталог – кутубхона фондини фан соҳалари бўйича очиб берувчи кутубхона каталоги. Системали каталог ёрдамида адабиётни китоб муаллифини билмасдан ҳам топиш мумкин. Карточкалар кутубхона-библиография классификацияси бўйича жойлаштирилган. Улар бўлимлар ичида тескари хронологик тарзда жойлатирилган. Янги нашрларнинг карточкалари олдинда туради. Мақолаларнинг системали картотекаси- охирги 10 йил давомидаги вақтли матбуот нашрларида чоп этилган материаллар жамланган. Ўлкашунослик картотекаси – Фарғона вилоятининг табиий ресурслари, экологияси, тарихи, иқтисоди, маданий ҳаёти ва Фарғона вилояти адабий муҳитига оид

материаллар жамланган. Бадиий асарлар сарлавҳалари картотекаси – асарларнинг сарлавҳалари алфавит тартибида жойлаштирилган карточкалардан иборат.

Электрон каталог ва картотекалар: Электрон каталог – АКМ фондининг босма, аудиовизуал ва электрон ҳужжатларининг библиографик ёзувларидан ташкил топган маълумотлар базаси. Электрон картотекалар – 2008 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар кутубхонага келиб тушган китоб, республика, вилоят ва туман газета ва журналлари мақолаларига, танлаб олинган МДҲ давлатлари матбуот нашрларига, олдинги йиллар нашрларига, мақолаларнинг тўлиқ матнларига берилган библиографик ёзувлардан ташкил топган маълумотлар базаси.

Хорижий тиллардаги адабиётлар зали ўқув зали хизмат кўрсатиш бўлимининг таркибий бўлинмаларидан ҳисобланади. Бўлим ташрифи: фойдаланувчиларнинг барча билим соҳалари бўйича мавжуд ахборотдан эркин фойдаланишини таъминлаш. Бўлимнинг вазифалари: хорижий тилларни ўрганиш учун имкониятлар яратиш ва уларни кенгайтириш. Китобхонларнинг мустақил ўқишлари ва билим савиясини кенгайтиришлари учун шароит яратиш. Ахборот ресурслари: Залнинг фонди 20 дан ортиқ тилдаги 5300 нусхадан ортиқ босма нашрларни ташкил этади, таълим методикаси ва чет тилларини ўрганиш бўйича вақтли нашрлар. Аудио ва видео дисклар. Сиз: ўқув

залидаги ва китоб сақлаш бўлимидаги босма нашрлардан фойдаланишингиз, мавжуд дискларни компьютерда кўришингиз ва эшитишингиз, хорижий тиллардаги адабиётларни кизиктирган мавзу бўйича кидириш ва йиғишда мутахассис ёрдамини олишингиз, ўқув зали фондига янги келиб тушган адабиётлар ҳақида ахборот олишингиз, ўқув залининг турли хил тадбирларида иштирок этишингиз мумкин.

Матбуот нашрлари зали сектор Ахборот-библиография бўлимининг таркибий бўғини хисобланади. Секторнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўқув залида китобхонларга тез ва сифатли хизмат кўрсатишдир. Қизиқтирган маълумотларни кидиришда, мақолалар, илмий ишлар, реферат ва б. ёзиш учун маълумотлар йиғишда ходимлар ҳар доим ёрдам берадилар. Зарур холларда доимо бизда топилган маълумотлардан нусха кўчириш мумкин. Матбуот нашрлари залининг фонди 1000 дан ортиқ номдаги газета ва журналлардан ташкил топган. Бу йил 107 номдаги (45 газета ва 62 журнал) матбуот нашрлари учун обуна расмийлаштирилди. Фонд универсал мавзудаги республика ва россияда нашр этиладиган газеталар, шунингдек, тарих, иқтисод, тиббиёт, педагогика, адабиёт, тилшунослик, техника ва санъатга оид республика ва россияда нашр этиладиган журналлар хисобига шаклланмоқда. Бўлим ахборот ва мавзули кўргазмалар намойиши, кутубхона ва бўлим фойдаланувчилари учун библиографик обзорлар ташкил этиш орқали

фондни тарғиб қилмоқда. Шу билан бирга китобхонларни бўлимдаги қизиқарли ҳужжатлар ва янги келиб тушган нашрлар билан таништириш, янги китобхонларни жалб қилиш мақсадида кутубхонада ва бўлимда ташкил этиладиган оммавий тадбирларда мамнуният билан қатнашамиз. Керакли нашрни қидириш учун ҳар йили тузиладиган кутубхонанинг матбуот нашрлари рўйхатидан ёки матбуот нашрлари МБсидан фойдаланиш мумкин. Бизда, шунингдек, керакли ахборотни қидириш вақтини тезлатиш мақсадида, кўп сўраладиган мавзулар бўйича картотека юритилади.

2008 йилдан бошлаб, барча буюртма килинган ва янги келиб тушган матбуот нашрлари АКМ электрон каталогининг матбуот нашрлари маълумотлар базасига киритилмоқда ва рўйхатга олинмоқда.

Ахборот технологиялари бўлими 2006 йилда ташкил топган ва Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят Ахборот-Кутубхона Марказининг таркибий бўлимларидан бири хисобланади. Бўлим фаолиятининг асосий йўналишларидан бири янги ахборот технологияларини АКМ фаолиятига тадбиқ этиш.

Бўлимнинг вазифалари: Ирбис автоматлаштирилган кутубхона тизими фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ирбис автоматлаштирилган кутубхона тизими бўйича бўлимларни ўқитиш ва маслаҳатлар бериш, АКМ китоб фондининг электрон каталоги-

ни ташкил этиш, АКМ сайтини ахборот билан тўлдириб бориш, кутубхона локал тармоғи ва компьютер жиҳозларини назорат килиш, кутубхона компьютерларига дастурий таъминотни ўрнатиш ва қўллаб-кувватлаш, таркибий бўлимлар ходимларини компьютер технологиялари иши бўйича ўқитиш ва маслаҳатлар бериш. Бўлимда бор-йўғи 3 киши фаолият кўрсатишига қарамай самарали иш тизими шаклланган. Ҳозирги вақтда бўлим фаолиятининг асосий қисми ташкилий ва амалий техник йўналишлардан иборат. Бўлим ходимлари томонидан АКМнинг қуйидаги таркибий бўлимлари фондлари киритилган АКМ йиғма каталоги ташкил этилди: Ўлкашунослик сектори китоб фонди, ахборот-библиография бўлими китоб фонди, ҳуқуқий ахборот маркази китоб фонди, нодир адабиётлар китоб фонди. Китоб сақлаш бўлими кутубхонанинг асосий фондини илмий ташкил этиш, ҳисобга олиш ва сақлаш билан шуғулланади. Фонднинг бут сақланишини таъминлайди. Фонддан фойдаланишга қулай шароит яратиш мақсадида уни жойидан силжитади, жойлаштиради. Бўлим, шунингдек бошқа бўлим ва секторлардан қабул қилинган ҳужжатларни қайд қилиш ва жойлаштиришга ҳам жавобгардир.

Абонемент ва КАА (кутубхоналараро абонемент) сектори фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлимининг таркибий бўғинларидан ҳисобланади. Фақатгина бизда адабиётлар уйга берилади. Бадиий адабиётлар, мумтоз адабиёт

вакилларининг «сайланма»лари, билим соҳаларига оид адабиётлар, маълумотнома нашрлар китобхонларга тақдим этилган. Сектор «Фукаролик жамияти учун ногиронлик масалалари бўйича ахборот ресурс тармоғи»лойиҳасида қатнашиб, лойиҳа асосида «Ногиронлик масалалари бўйича ахборот манбалари пункти» фаолият юритмоқда. Сектор фонди мунтазам ўзбек тилидаги янги адабиётлар билан тўлдириб борилади. Абонемент секторининг китоб фонди иқтисодиёт, техника, тарих, психология, фалсафа, дин, тиббиёт, шунингдек, бадиий нашрлар ва кўп сўраладиган замонавий романлардан иборатдир.

Маънавият ва маърифат сектори фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлимининг таркибий бўғинларидан ҳисобланади. Секторнинг вазифалари: АКМда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий истиқлол ғояси, ислоҳотларнинг моҳияти ҳақида тушунча ва тамойилларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, соғлом ва ҳар томонлама камолга етган ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда ёрдам бериш. Сектор фаолиятининг асосий йўналишлари: «Олтин мерос» - ёшларни ота-боболаримиз мероси, тарихий ва хотира ёдгорликлари билан таништириш ва уларни ўрганиш бўйича адабиётларни тарғиб қилиш, тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш, «Маънавият ва маърифат» - мамлакатимизда истикомат қилаётган турли миллат

вакилларининг маданияти, урф-одатлари билан танишиш учун ахборотларни тарғиб қилиш ва тақдим этиш, «Экосан» - Ўзбекистон табиатини мухофаза қилиш бўйича манбаларни ўрганиш ва тарғиб қилиш. «Ватанпарварлик» - Ватанга ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини шакллантириш, юрт фаровонлигини ошириш, бойликларини сақлаш, тарихи ва маданиятидан фахрланиш, урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга ёрдам берувчи адабиётларни тарғиб қилиш.

Ўлкашунослик сектори сектор ахборот-библиография бўлимининг таркибий бўғинларидан ҳисобланади. Ноёб ўлкашунослик фонди Фарғона вилоятига оид ўзбек ва рус тилларидаги адабиётлар ва бошқа материаллардан ташкил топган. Секторнинг маълумотнома- библиографик аппаратида ўлкашуносликка оид ҳужжатлар тўлиқ акс эттирилган. Ўлкашуносликка оид маълумотлар базаси ташкил этилди ва мунтазам тўлдириб борилмоқда.

Секторнинг вазифаси - ўлкашуносликка оид ахборотлардан тўлиқ фойдаланишни тақдим этиш. Сектор фонди Фарғона вилоятининг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёти, тарихи, иқтисоди, саноати ва қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар ва матбуот нашрларидан ташкил топган.

Ходимларимиз қизиқтирган мавзу бўйича китобни қидиришда, реферат, курс иши ёки илмий иш учун ахборот излашда фойдаланувчиларга ҳар доим ёрдамга тайёрлар.

Сектор кутубхона ўлкашунослиги бўйича қуйидаги комплекс ишларни амалга оширади: Фарғона вилояти ҳақида маълумотларни босма ва электрон манбалардан қидириш, анъанавий каталог, ўлкашунослик нашрлари фондини (китоб, газета, журналлар, карта ва б.) шакллантириш, янги нашр этилган ўлкашуносликка оид адабиётлар билан вилоят аҳолисини таништириш.

Ҳуқуқий ахборот маркази сектор ахборот-библиография бўлимининг таркибий бўлинмаларидан ҳисобланади. Марказ 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Очиқ Жамият Ёрдам Фонди Институтининг Дастурини амалга ошириш асосида ташкил этилган. Марказнинг асосий вазифалари: Фарғона вилояти аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ва ахборот билан таъминлашини ошириш мақсадида фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий ахборот ва меъёрий-ҳуқуқий манбалардан эркин фойдаланишини таъминлаш.

Марказ китобхонларга қуйидагиларни тақдим этади: Ўзбек ва рус тилларидаги 1200 номдаги китоблар, 36 номдаги матбуот нашрларидан ташкил топган замонавий нашрлардан иборат фонд. Фондда Ўзбекистон Республикаси давлат хокимияти органларининг шу кундаги муҳим матбуот нашрлари, вазирлик ва идораларнинг, мамлакатнинг олий суд органлари, Фарғона вилояти ҳокимлиги органларининг нашрлари тақдим этилган. Ҳуқуққа оид маълумотнома ва

энциклопедик луғатлар, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонунлари тўпламлари ҳам мавжуд. Марказнинг электрон ресурслари: «ПРАВО», «НОРМА» ҳуқуқий-маълумотнома тизимлари, CD-ROMлар.

Ахборот-қидирув тизими қуйидагиларни таъминлайди: меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қидириш талаби бўйича танлаш, танланган ҳужжатларни компьютер мониторида кўриш, қоғоз шаклидаги нусхани олиш. Бўлим ходимлари керакли ахборотни қидиришда мутахассис ёрдамини кўрсатади, тақдим этилган МБ билан ишлашни ўргатади.